

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БАНДЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Узақов Ортиқ Шаймарданович

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари

университети Қарши филиали катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7720959>

Аннотация: Ушбу мақолада иш билан бандликнинг замонавий шакллари, масофавий иш билан бандлик, масофадан туриб ишлаш, эгилувчан виртуал меҳнат бозорини шакллантириш, иш билан бандлик замонавий ностандарт шакллари ривожланиши рақамли иқтисодиёт шароитида бандликнинг замонавий шакллари жорий этиш ва инновацион тизимни шакллантириш таклиф қилинган.

Калит сўзлар: фрилансер, аутсорсинг, онлайн биржа, аутстаффинг, рақамли иқтисодиёт, рақамли индустрия, масофавий иш билан бандлик, эгилувчан виртуал меҳнат бозори, норасмий иш билан бандлик.

Кириш. Ахборот технологияларининг ривожланиши билан бугунги кунда иш билан бандликни таъминлашнинг янги йуналишлари пайдо бўлмоқда. Иш берувчилар ихтиёрий равишда ва хоҳишига кўра ходимларни ишга ёллаш имконига эга бўлмоқдалар ва географик жойлашуви ҳамда вақтдаги фарқ аҳамиятга эга эмас. Ходимлар ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўз вазифаларини бажаришга қодир бўлиб, уйдан ташқарига чиқмасдан, ҳар қандай вақтда белгиланган вазифани бажариш имконига эга бўлишмоқда.

Тадқиқот методлари. Иш билан бандликнинг замонавий шакллари, масофавий иш билан бандлик буйича бир қатор олимлар тадқиқот олиб боришган. Давос иқтисодий форуми асосчиси ва президенти Карл Шваб рақамли иқтисодиётда асосий ишлаб чиқариш омили барибир капитал эмас, балки кадрлар салоҳияти бўлишини асослаб берган, унинг фикрига кўра “тўртинчи саноат инқилоби бундан олдинги инқилоблар билан таққослаганда янги тармоқларда камроқ иш ўринлари яратади¹[3].

Одегов Ю.Г. ва Павлова В.В.ларнинг фикрича “Тўпланган билимлар асосида бугунги кунда соҳалар ўртасидаги фарқни ва ажратишни йўқолиб боришига, соҳаларнинг интеграциялашуви ва янги касбларнинг пайдо бўлишига дуч келмоқдамиз ҳамда ушбу жараён тезлашиб бормоқда”² [2].

Академик Қ.Х.Абдурахмоновнинг фикрича, “Иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги «масофадаги муносабатлар» меҳнат фаолиятини замон ва маконда номарказлаштириш жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу эса эгилувчан виртуал меҳнат бозорини шакллантиришга ҳам хизмат қилади». “Масофада туриб ишлаш (теле иш) иш берувчига нисбатан масофада туриб, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида бажариладиган меҳнат фаолиятidir. Иш билан бандлик бундай шаклининг асосий хусусияти иш билан ходим ўртасида виртуал тарзда “масофада туриб иқтисодий муносабатлар” ўрнатилишидир³ [4, 324-325 б.].

Зокирова Н.К., Абдурахманова Г., Сагидуллин Ф.Р.га кўра “Технологик тараққиёт ҳамда

¹ https://www.oxfordmartin.ox.ac.uk/downloads/academic/The_Future_of_Employment.pdf.

² Одегов Юрий Геннадьевич, Павлова Валентина Васильевна Новые технологии и их влияние на рынок труда // Уровень жизни населения регионов России. 2018. №2 (208). - С. 60-70.

³ Абдурахмонов К.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. Т.: «FAN», 2019. 552-б.

ахборот жамиятига ўтиш юқори малакали ва мобил, яъни, меҳнат бозоридаги ўзгаришлар тезда мослашувчан ходимларни талаб этади”⁴ [5, 28-б.].

Натижа ва муҳокама. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида меҳнат фаолиятини самарали ташкил этиш ва юритишда энг муҳим муаммолардан бири малакали ходимларни жалб қилиш масаласи ҳисобланади. Бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг жадал суръатлар билан ривожланиши ва Интернет тизимидан кенг миқёсда фойдаланиш имкониятини пайдо бўлиши, ушбу муаммони ҳал этиш имконини бермоқда.

Иқтисодиётнинг ривожланиши иш билан бандлик замонавий ностандарт шакллари пайдо бўлишига олиб келмоқда:

- норасмий иш билан бандлик;
- виртуал иш билан бандлик;
- тўлиқсиз иш билан бандлик;
- ўзини ўзи иш билан банд қилиш;
- вақтинчалик ишсизлик [3].

Ахборот технологияларининг ривожланиши билан бугунги кунда иш билан бандликни таъминлашнинг янги йуналишлари пайдо бўлмоқда. Иш берувчилар ихтиёрий равишда ва ҳоҳишига кўра ходимларни ишга ёллаш имконига эга бўлмоқдалар ва географик жойлашуви ҳамда вақтдаги фарқ аҳамиятга эга эмас. Ходимлар ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўз вазифаларини бажаришга қодир бўлиб, уйдан ташқарига чиқмасдан, ҳар қандай вақтда белгиланган вазифани бажариш имконига эга бўлишмоқда.

Масофада туриб ишлашда анъанавий иш жойи хусусиятида, амал қилиш вақти, иш ўрнининг жойлашуви, меҳнатга ҳақ тўлаш шаклларида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Рақамли иқтисодиётда эндиликда ишсизликнинг мазмуни тубдан ўзгармоқда, чунки ҳозирги пайтда рақамли технологиялар орқали иш жойлари эмас, балки меҳнат вазифалари тақсимланмоқда.

Рақамли технологиялар ходимни юқори малака ва билим билан бирга масъулиятни ўз зиммасига олишни ва меҳнат фаолиятини мустақил равишда амалга оширишни талаб қилмоқда. Эндиликда ходим ўз меҳнат фаолиятини ўзи тартибга солади, меҳнат ҳақи Интернет орқали амалга оширилади. Ходимни меҳнат фаолиятининг ташқи назорати унинг ўзини жалб этмаган ҳолда маълумотлар, ҳисоботлар орқали амалга оширилади.

Шунингдек, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида иш билан бандлик соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлаётганлиги замонавий билим ва малака кўникмаларига эга бўлган мутахассисларга талаб мунтазам равишда ортиб бораётганлигининг исботидир. Бунда ходимларнинг иш жойлари ва меҳнат шароитларида ҳам ўзгаришлар юзага келмоқда. Рақамли иқтисодиётга ўтиш иш билан бандлик таркибининг ўзгариши, ходимлар интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳамда инновацион жараёнлар самарадорлигини оширувчи омиллар таъсир даражасини кенгайтишини юзага келтирмоқда. Интеграция жараёнлари ва глобаллашув, меҳнат бозорини ахборотлар билан таъминланиши, ходимларнинг мобиллиги ошиши ва сифат жиҳатидан янги иш ўринларининг пайдо бўлиши иш ўринлари учун ишчи кучи ўртасида

⁴ Зокирова Н.К., Абдурахманова Г., Сагидуллин Ф.Р. Трансформация форм занятости в инновационном развитии // International scientific review. 2020. №LXX. - С. 24-28.

ва малакали ишчи кучи учун иш берувчилар ўртасида рақобатнинг кучайишини юзага келтирмоқда.


Жаҳондаги каби мамлакатимизда ҳам инновацион иқтисодиётга мос меҳнат бозорининг инновацион ривожланиш жараёни шаклланиб бормоқда. Мазкур жараён меҳнат бозорида иш билан инновацион бандлик шакллар ва турларини жорий этишнинг ижтимоий-иқтисодий, институционал асосларини такомиллаштириш ва рағбатлантиришнинг ўзига хос механизмини шакллантиришни зарурат этмоқда. Инновацион йўналишда меҳнат бозорининг ривожланиш стратегияси замонавий ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни назарий, услубий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда тизимлаштиришни, иш билан бандликни тартибга солиш тизимидан, унинг анъанавий йўналишларининг сифат кўрсаткичларини ўзгартиришни назарда тутувчи янги талабларни белгилайди.

Шунга кўра, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида Ўзбекистонда меҳнат бозорининг ривожланишининг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, иш билан бандликнинг замонавий шакллари ва турларини жорий этиш ҳамда уларнинг институционал асосларини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида меҳнат фаолиятини самарали ташкил этиш ва юритишда энг муҳим муаммолардан бири малакали ходимларни жалб қилиш масаласи ҳисобланади. Ҳозирги пайтда саноат ривожланишдан кейинги босқичга ўтган, иқтисодиёти инновацияларга асосланган, “Индустрия-2” мамлакатларида “Иш-4” атамаси ҳам пайдо бўлди. “Иш-4”, яъни рақамли иқтисодиётда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ходимлардан энг замонавий билим ва юксак малака билан бир қаторда умр давомида ўз билимлари ва малакаларини ошириб боришни ҳам талаб этмоқда⁵.

Эндиликда рақамли иқтисодиётда ишсизликнинг мазмуни тубдан ўзгармоқда, чунки ҳозирги пайтда рақамли технологиялар орқали иш жойлари эмас, балки меҳнат вазибалари тақсимланмоқда. Масофавий иш билан бандликда, анъанавий иш жойи хусусиятида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда таъкидлашимиз мумкинки, аҳолини иш ўринлари билан таъминлашнинг замонавий ҳамда истиқболли шаклларида бири - бу уй меҳнатига асосланган масофавий иш билан бандлик ҳисобланади. Фрилансерлик, аутсорсинг ва касаначилик меҳнатининг асосий устунлиги, унинг мослашувчанлигидадир. Ходимлар корхона жойлашувидан қатъи назар ўзаро келишув асосида меҳнат фаолиятини масофавий тарзда ташкил этиш имкониятига эгадирлар (1- Расм).

⁵ https://www.bmas.de/SharedDocs/Downloads/DE/PDFPublikationen/Forschungsberichte/forschungsbericht-fb-442-arbeitsqualitaet.pdf?__blob=publicationFile&v=1



1 - Расм. Масофавий иш билан бандликни ташкил этиш тизими.

Мамлакатимизда аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлашнинг инновацион шакллари оммалаштириш ҳамда шарт-шароитларни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда таъкидлашимиз мумкинки, аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлашнинг замонавий ҳамда истиқболли шакларидан бири - бу масофавий иш билан бандлик ҳисобланади. Уй меҳнатининг асосий устунлиги, унинг мослашувчанлигидадир. Ходимлар корхона жойлашувидан қатъий назар ўзаро келишув асосида меҳнат фаолиятини масофавий тарзда ташкил этиш имкониятига эгадир.

Бизнингча, масофавий иш билан бандлик - иш берувчи ва ходим алоҳида биноларда жойлашган ҳолда ахборот-коммуникацион технологиялар орқали ўзаро алоқада бўлувчи иш билан бандлик шаклига айтилади.

Масофавий иш билан бандлик қўйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- уй меҳнати. Айрим вазифаларни уй шароитида бажаришни назарда тутади.

Касаначилик бунга мисол бўлади;

- масофавий иш билан бандлик айрим адабиётларда улар, телебандлар ёки телекоммутерлар сифатида келтирилади. Улар меҳнат фаолиятини масофадан туриб амалга оширади. Иш берувчи ҳамда ходим ўртасида меҳнат шартномаси тузилади;

- мобил масофавий иш билан бандлик. Шахсий компьютер ёки Интернет алоқаси бўлмаганда ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунга мисол қилиб, савдо агентларини келтириш мумкин;

- фрилансинг, бунда ходим, корхонага ходим сифатида расмийлаштирилмаган ҳолда меҳнат фаолиятини, айрим вазифаларни бажаради.

Республикамизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда иш билан бандликни таъминлашнинг замонавий шакли сифатида фрилансинг ва аутсорсинг (BPO) фаолиятини ташкил этиш муҳим чоралардан бири ҳисобланади. “Фрилансинг” инглиз тилида “эркин ёллаш” актёр, дизайнер, дастурчи, журналист ёки эркин фикрловчи шахс сифатида ва аутсорсинг инглизча сўз бўлиб, “out” “ташқарида”, “sourcing” эса “манба” маъносини англатиб, икки хил йўналиш боғланишини билдиради. Ғарбда ўз-ўзига ишловчи хусусий шифокорлар ва ҳуқуқшунослар ҳам фрилансер сифатида қабул қилинади. Freelance – сўнгги пайтларда жуда кенг тарқалган йўналишдир. Ўзбекистонда ҳам Россия ва АҚШ фриланс биржаларида рўйхатга олинган 1500 дан ортиқ фрилансерлар мавжуд. Фрилансинг яқка тартибдаги тадбиркорликдан алоҳида фаолият сифатида қаралмайди, шу сабабли ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг алоҳида хусусияти белгиланмаган.


Фрилансингни тартибга солиш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини мумлаштирадиган бўлсак, фрилансер билан иш берувчи ўртасидаги муносабатларни бир неча усулда расмийлаштириш мумкин (2-расм): .

- фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида жисмоний шахс сифатида;
- фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида яқка тартибдаги тадбиркор сифатида;
- уч томонлама шартнома асосида онлайн фриланс биржалар орқали.

Фрилансингнинг айрим жиҳатлари қонунийлаштирилганда норасмий иш билан бандликни олдини олиб, даромадларини расмийлаштириш ва айниқса, яшаш ҳудудида иш ўрни мавжуд бўлмаганда расмий равишда масофавий иш билан банд бўлиш, ўз қобилиятларини рўёбга чиқариши ва даромадга эга бўлиш имконини беради.

Фрилансингни қонуний асосини шакллантириш ва алоҳида иш билан бандлик тури сифатида қабул қилиш, ишсизлик кўрсаткичини пасайтиришга олиб келади. Бу ўз навбатида, фрилансинг соҳасида моддий бойликларни яратишнинг самарали моделини яратиш, фрилансерлар биржаларини шакллантириш ва ривожлантириш, ҳудудларда ишсизларни ва асосан ёшларни иш ўринлари билан таъминлаш имконини яратади.

Иш билан бандликнинг эгилувчанлиги модели меҳнат бозорининг институционал таркиби орқали аниқланади. Миллий меҳнат бозорининг институционал таркибининг хусусиятлари қатъий қоидалар ва уларга риоя этишга мажбур этувчи тизимнинг баъзи камчиликларида намоён бўлмоқда.



Шунга қўра, республикаимиз меҳнатга оид қонунчилиги тизимида иш билан бандлик эгилувчанлигини таъминлаш механизмларини амалиётда кенг қўллаш учун қуйидаги тўсиқлар мавжуд, жумладан:

- иш берувчилар хоҳишига қўра меҳнат муносабатларини бир томондан тугатиш улар учун узоқ муддат ва катта харажатларни талаб этади;
- вақтинчалик меҳнат шартномаларини жорий қилиш имкониятларининг чекланганлиги, айниқса, йирик ва хусусий корхоналарда муддатли шартномаларни тузиш учун асос сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган ёпиқ сабаблар рўйхатининг сақланганлиги;
- тўлиқсиз иш куни сифатида меҳнат шартномаларини расмийлаштириш имкониятлари мавжуд эмас;
- Меҳнат Кодексида ёки алоҳида қонунда ижарага олинган меҳнатни тартибга солиш бўйича ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш.

Ижарага олинган меҳнатдан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартибга солиш нормалари мавжуд эмаслиги иш берувчилар ва ишчилар учун иқтисодий ва ижтимоий хатарларни мавжуд бўлишига олиб келади.

Меҳнат қонунчилигини либераллаштириш ва табақалаштириш инфорсмент ҳаракатларини кучайтириш билан уйғунлаштирилган ҳолда амалга оширилиши лозим. Инфорсмент меҳнат шартномасига риоя этишга ундовчи механизм сифатида ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоялайди. Ўз навбатида, инфорсмент ходимларнинг манфаатларини ҳимоялаш орқали ижтимоий-иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштиради ва ижтимоий-меҳнат муносабатлари иштирокчиларининг қарама-қаршиликларини олдини олади ҳамда иш берувчининг шартнома шартларини бажаришга ва тартиб қоидаларга риоя этишга ундайди.

Меҳнат бозори институционал эгилувчанлигининг ошиши икки йўналишда - иш билан бандликни ҳимоялаш бўйича қонунчиликни либераллаштириш ва меҳнат муносабатлари инфорсментини кучайтириш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат бозорининг институционал тузилмасининг қатъий тартиб-қоидаларга асосланганлиги меҳнат бозорида таркибий ва узоқ муддатли ишсизлик кўламининг ошишига олиб келади. Шунга кўра, меҳнат бозорини тартибга солишни такомиллаштиришга йўналтирилган институционал эгилувчанлик тузилмасининг ҳуқуқий-меъёрий омиллари, норасмий меъёрлар ва институтларни шакллантириш ҳамда уларнинг эгилувчанлиги шакллари аниқлаш ва баҳолаш бўйича тавсияларни такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

Замонавий меҳнат бозори конъюктурасининг барқарор ҳолати унинг барча субъектлари томонидан кутилаётган муаммоларнинг етарли даражада муваффақиятли ечимини ҳал қилишни талаб этади. Меҳнат бозорининг самарали ривожланиши шароитида иш билан бандлик эгилувчанлигини таъминлаш бўйича илмий асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш социологик тадқиқот ўтказишнинг муҳим мақсади бўлиб ҳисобланади.

Масофавий иш билан бандликни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат, иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, қўйидагиларни ўзида акс эттириши мақсадга мувофиқдир:

- масофавий иш билан бандларнинг иш ҳақини тартибга солиши ва иш ҳақи тўлови тизимини тартибга солиш;
- масофавий иш билан бандларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини акс эттириш;
- иш берувчилар мажбуриятлари ва ҳуқуқларини белгиланиши, масофавий иш билан бандларга нисбатан таъсир этиш воситаларини тартибга солиш;
- фавқулодда вазиятларда иш берувчилар мажбуриятларини тартибга солиниши; масофавий иш билан бандлар, уларнинг меҳнат фаолияти ва меҳнат натижаларини тартибга солиш механизмлари;
- касаба уюшмаси билан муносабатларни тартибга солиш;
- масофавий иш билан бандлик субъектлари билан муносабатларни тартибга солиш;
- масофавий иш билан бандликни давлат томонидан тартибга солиш меъёрларини ишлаб чиқиш;
- иш берувчи ҳамда ходимларни солиққа тортиш тартибини белгилаш;
- масофавий иш билан бандликда иш берувчилар ҳамда ходимлар манфаатларини таъминловчи давлат кафолатларини акс эттириши мақсадга мувофиқ.

Иш билан бандликнинг замонавий шакллари устунликлари ва камчиликларини ажратиб чиқамиз. Иш билан бандликнинг замонавий шакллари афзаллиги - ишчи ҳам, иш берувчи учун ҳам иш вақтидан оқилона фойдаланишдир. Шу сабабли меҳнат бозорининг эгилувчанлиги ошиб бормоқда, чунки ҳар бир инсон ўзига қисқа муддатга иш берувчини танлайди ва юқори компетенцияга эга бўлади, фуқароларнинг, шу жумладан ногиронлиги бўлганларнинг иш билан бандлик даражаси ошишига олиб келади, янги иш жойлари пайдо бўлади, ишга олиш ва ишдан бўшатиш тартиби

соддалаштирилади. Корхоналар учун ходимларни ишлаб чиқариш пасайган тақдирда зарур ишчиларни сақлаб қолиш имконияти пайдо бўлиши туфайли харажатлар камаяди.

Иш билан бандликнинг фриланс ва масофавий иш билан бандлик каби замонавий шакллари чегаралар ва узоқ масофалар билан чекланмасдан исталган макондан иш берувчилар билан меҳнат муносабатларини йўлга қўйиш имконини беради [6].

Фрилансерни саралаганда иш берувчи ташқи кўриниш, ёши, жинси, маълумотидан кўра қобилияти ва бажарилган ишлари тақдироти асосида иш тажрибасига эътибор қаратади.

Ишга қабул қилишнинг ноанъанавий шакллари асосий камчиликлари норасмий ва ишсизликнинг ривожланиши деб қараш мумкин, чунки меҳнат муносабатлари ҳар доим ҳам расмийлаштирилмайди, бунинг натижасида ходим низолар юзага келганда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаслиги хатарлари мавжуд.

Иш билан бандликнинг замонавий шакллари юқори мотивацияга эга бўлган ва салмоқли инсоний ва ижтимоий капиталга эга бўлган мустақил мутахассисларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шу муносабат билан, улар мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялашнинг муҳим субъектлари бўлиб, ўз фаолиятини амалга ошириш учун рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятлари шахсий ривожланиш истиқболларини кенгайтиради.

Масофавий иш билан бандликнинг айрим жиҳатлари қонунийлаштирилганда норасмий иш билан бандликнинг олди олиниб, даромадларини расмийлаштириш ва айниқса яшаш ҳудудида иш ўрни мавжуд бўлмаганда расмий равишда масофавий иш билан банд бўлиш, ўз қобилиятларини рўёбга чиқариши ва даромадга эга бўлиш имкони яратилади. Масофавий иш билан бандликни самарали ташкил этишда асосий эътиборни Меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, масофавий иш билан бандлар учун кафолатлар тизимини такомиллаштириш, назорат воситалари ҳамда алоқа ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ахборот асрида инсон иш билан бандликнинг замонавий шаклини танлашда иш жойини бутун умрга йуналтирилган танлов сифатида қарамасдан ҳолат сифатида қарайди. Ушбу танловнинг асосий сабаблари сифатида турли соҳаларда, таълим ва касбий имкониятлардан фойдаланган ҳолда меҳнат тажрибасини орттириш ҳисобланади. Шу сабабли, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш билан инсон капиталини ривожлантириши биринчи ўринга кўтарилиши мақсадга мувофиқдир. Иш билан бандлик соҳасида сифат ўзгариши амалга оширилиши, юқори самарали иш ўринларини яратиш, технологик ўсишга эришиш, асбоб-ускуналарни янгилаш ва саноатнинг янги инновацион соҳаларини ривожлантириш лозим.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига кўра, қўйидаги хулосалар ишлаб чиқилди, жумладан:

- ишсизларни бир марталик ёки вақтинчалик иш билан таъминлаш;
- ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга бўлганларни қисқа муддатларда анъанавий ва замонавий ишчи-касбларга қайта тайёрлаш тизимини амалиётга жорий этиш;
- ишсизларни, хусусан, ишга жойлашишга муҳтож ёшларни иш билан бандликнинг анъанавий ишчи касбларни ривожлантириш ва масофада туриб ишлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

- aʼholining norasmiy ish bilan bандлигини камайтиришнинг институционал асосларини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

Хулоса. Республикамизда ҳозирги вақтдаги кучайиб бораётган ишсизлик кўламининг кенгайишини олдини олиш мақсадида уюлмаган ёшлар, ишга жойлашишга муҳтож аҳоли ва ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш, анъанавий ва замонавий ишчи касбларга қайта тайёрлаш, уларни иш билан таъминлаш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш, norasmiy ish bilan бандликни камайтириш, ижтимоий кафолатлар тизимини оптималлаштириш ҳамда рақамли платформаларни ривожлантириш асосида иш берувчи, онлайн биржалар ва ходимлар ўртасидаги уч томонлама муносабатларга йўналтирилган масофавий иш билан бандлик тизими такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.\

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги нутқи.
2. Одегов Юрий Геннадьевич, Павлова Валентина Васильевна Новые технологии и их влияние на рынок труда // Уровень жизни населения регионов России. 2018. №2 (208). - С. 60-70.
3. Даминова Б. Э, СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ ОРГАНИЗАЦИИ МНОГОУРОВНЕВЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ПРОЦЕССОВ, «Экономика и социум» том 2, №1(104), ст-611-614
4. Raximov, Nodir, Oybek Primqulov, and Barno Daminova. "Basic concepts and stages of research development on artificial intelligence." 2021 International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT). IEEE, 2021.
5. Daminova Barno Esanovna, Modern Teaching Aids and Technical Equipment in Modern Educational Institutions, International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology, Том 2, номер 6, ст- 33-36.
6. Yakubov, Maksadhan, and Barno Daminova. "Modernization of the education system in higher education institutions of the Republic of Uzbekistan." AIP Conference Proceedings. Vol. 2432. No. 1. AIP Publishing LLC, 2022.
7. Якубов, М. С., and Б. Э. Даминова. "СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЙ НА ОСНОВЕ ПРИМЕНЕНИЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ." Eurasian Journal of Mathematical Theory and Computer Sciences 2.4 (2022): 31-44.
8. Raximov, Nodir, et al. "As a mechanism that achieves the goal of decision management." 2021 International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT). IEEE, 2021.
9. DAMINOVA BARNO ESANOVNA, APPROACHES OF REFLECTION OF KNOWLEDGE IN INFORMATION RESOURCES, ELECTRONIC JOURNAL OF ACTUAL PROBLEMS OF MODERN SCIENCE, EDUCATION AND TRAINING. FEBRUARY, 2021 -IV. ISSN 2181-975,
10. Daminova Barno Esanovna, UDK: 372.881 CRITERIA FOR EVALUATING THE EFFECTIVENESS OF THE EDUCATION SYSTEM, ELECTRONIC JOURNAL OF ACTUAL PROBLEMS OF MODERN SCIENCE, EDUCATION AND TRAINING. FEBRUARY, 2021 -IV. ISSN 2181-975, ст- 33-37

11. Тошиев, А. Э., and Б. Э. Даминова. "ФОРМИРОВАНИЯ САМАРКАНДСКОЙ РЕГИОНАЛЬНОЙ ТРАНСПОРТНО-ЛОГИСТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ." Перспективные информационные технологии (ПИТ 2017). 2017.
12. Барно Эсановна Даминова, Максадхан Султаниязович Якубов, Проблемы защиты от внешних и внутренних информационных угроз, Труды Северо-Кавказского филиала Московского технического университета связи и информатики, 2013, №1, ст-306-308.
13. Пардаев, Ўктам. "ВЛИЯНИЕ И ЗНАЧЕНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ В ПРОЦЕССАХ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ КОНВЕРГЕНЦИИ." Current approaches and new research in modern sciences 2.2 (2023): 125-137.
14. Пардаев, Ўктам. "ОРГАНИЗАЦИЯ СОВМЕСТНОГО БИЗНЕСА В РАМКАХ МЕЖСЕГМЕНТНОЙ И МЕЖСЕТЕВОЙ КОНВЕРГЕНЦИИ." Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences 2.6 (2023): 186-199.
15. Qodirov, Farrux. "Econometric modeling of medical services in the territories." International Conference on Information Science and Communications Technologies ICISCT. 2022.
16. Qodirov Farrux Ergash o'g'li. Econometric modeling of the development of medical services to the population of the region / Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. 2022/5/9. 1.1 Economical sciences.
17. Ergash o'g'li, Qodirov Farrux. "Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасининг келгуси ҳолатини башоратлаш." Сервис" илмий-амалий журнал (2022): 56-59.
18. Ergash o'g'li, Qodirov Farrux. "ECONOMETRIC MODELING OF THE DEVELOPMENT OF MEDICAL SERVICES TO THE POPULATION OF THE REGION." Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities 2.1.1 Economical sciences (2022).
19. Ergash o'g'li, Qodirov Farrux. "CREATION OF ELECTRONIC MEDICAL BASE WITH THE HELP OF SOFTWARE PACKAGES FOR MEDICAL SERVICES IN THE REGIONS." Conferencea (2022): 128-130.
20. Ergash o'g'li, Qodirov Farrux. "IMPORTANCE OF KASH-HEALTH WEB PORTAL IN THE DEVELOPMENT OF MEDICAL SERVICES IN THE REGIONS." Conferencea (2022): 80-83.
21. Қодиров, Ф. "ИЖТИМОЙ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХИЗМАТЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ". ЎзР ФА В.И.Романовский номидаги Математика институти, 2022.
22. Қодиров, Ф. "ВИЛОЯТ АҲОЛИСИГА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ". Andijon Mashinasozlik Instituti, 2022.
23. Қодиров, Ф. "АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ КЕЛГУСИ ҲОЛАТИНИ БАШОРАТЛАШ". Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2022.
24. Qodirov, F. "OPTIMUM SOLUTIONS FOR THE DEVELOPMENT OF MEDICAL SERVICES IN PRIVATE CLINICS". МУHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDAGI TOSHKENT AXBOROT TECHNOLOGIYALARI UNIVERSITETI QARSHI FILIALI, 2022.
25. Қодиров, Ф. "Қашқадарё вилояти аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришнинг истиқболлари". «O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI» àà «AGRO ILM», 2022.

26. Қодиров, Ф. “ҲУДУДЛАРДА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ”. ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ, 2022.
27. Qodirov, F. “Қашқадарё ҳудуди аҳолисига хизмат кўрсатиш тармоқлари ва уларга таъсир этувчи омиллар”. “O‘zbekiston Qishloq Va Suv xo‘jaligi” Jurnal, 2022.
28. ҚОДИРОВ, Ф. “Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг моделлаштиришни тизимли имитация қилиш”. ИЎТИСОДИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОЙЛИК НАШР, 2022.